

# **Электрон ҳукумат доирасида интерактив хизмат ва ахборот ресурсларидан фойдаланишнининг тамоиллари**

*Пардаев Шерзод Мамашарипович.  
[sherzodpardayev84@gmail.com](mailto:sherzodpardayev84@gmail.com). Жиззах давлат педагогика институти “Таълимда рақамили технологиялар” кафедра катта ўқитувчиси.*

*Синдаров Садриддин Жиззах давлат педагогика институти “Таълимда рақамили технологиялар” кафедра катта ўқитувчиси.*

*Пардаев Мохира Жиззах давлат педагогика институти магистранти.*

**Аннатация:** Бозор муносабатлари шароитида кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳаси учун мутахассисларни тайёрлаш тизимини бошқариш ва шу орқали ушбу мутахассислар тайёрлашнинг механизми ўртасидаги алокаларнинг муракаблигини, ҳамда хилма-хиллигини илмий жиҳатдан асосланган янги услубий ёндашувларни, шу соҳа учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш самарадорлигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиши, тадбиркор кадрлар тайёрлаш сифати ва улар фаолиятининг пировард натижалари ўртасидаги ўзаро боғланишнинг концепциявий негизларини очиб беришни, шунингдек, тадбиркорлик соҳаси учун кадрларни ўқитишни ва қайта ўқитиш тизимини ривожлантириш конуниятлари аниқлашни талаб қиласди.

**Калит сўзлар:** Электрон хужжат, Электрон тижорат, Электрон ҳукумат, Электрон рақамили имзо, интерактив, Интернет, тармоқ, компьютер, тармоқ хамфисизлиги, Идентификация, аудентификация, портал, интерфаол, технологик.

Давлат бошқарув органлари ахборот ресурсларидан фойдаланишга рухсати бўлган шахснинг идентификациялаш зарурлиги туфайли, фуқаронинг ҳукумат ахборот ресурсларидан фойдаланишини технологик тартиблаш зарур. Одатда фуқаронинг ҳукумат интерактив хизмати ахборот ресурсидан фойдаланиши икки кўринишда амалга ошади. Ҳукумат ахборот ресурсларидан фойдаланувчи шахсларни идентификациялаш қонунчилик билан тартибланади, ҳамда фуқарога маълумот олиш ҳуқуқини беради ёки чеклайди.

Биринчи кўринишдаги ахборот ресурсларига рухсат, маълумот олишга рухсат берилган шахсни аввалдан идентификациялаш билан ҳарактерланади.

Бу турдаги ихтиёрий маълумотга рухсатлар чекланган доирадаги рухсат ҳисобланади, масалан, давлат сирларига боғлиқ ёки шахсий маълумотлар. Идентификация маълум бир шахснинг қуидаги маълумотларни олишлари учун зарур:

- бевосита ушбу шахсга алоқадор бўлган маълумотлар, яъни ташкилот ёки ходимларнинг ўзларининг маълумотларини олишга рухсати бўлган, уларнинг ҳукуқ ва мажбуриятларига таъсир кўрсатувчи маъмурий маълумотларга рухсати бўлганда;
- маълум бир шахснинг ўз лавозимига боғлиқ мажбуриятларини бажариш учун зарур маълумотлар, бу ўз ичига шахснинг давлат сирларига боғлиқ маълумотлар билан ишлашини, ёки ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари ходими ёки тиббииёт ходимларининг шахсий сирларидан хабар топишни олади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳар қандай шахс фақат идентификация қилинганидан сўнг маълумот олиш ҳукуқига эга бўлади. Масалан, шундай модел ёрдамида фуқаро ва ташкилот манзиллари ҳақидаги маълумотларни олишга рухсатни ташкил этиш мумкин. Маълумот ҳар қандай шахсга фақат идентификация қилингандан сўнгина тақдим этилиши мумкин. [5]

Ушбу модел асосида давлат органлари маълумотларини тақдим этиш, буюртма берилиши орқали ташкил этилади. Маълумотга бундай турда рухсат берилиши танқидга ҳаққоний сазовор, чунки маълумот олган, идентификацияланган шахсга маълумотни тарқатмаслиги ҳақида масъулият юклаб бўлмайди, шунингдек бундай маълумотни назорат қилиш самара бермайди. Ўзини идентификация қилиш маъмуриятчи учун қулай тўсиқ бўлиб, маълум даражада коррупцион салоҳиятга эга бўлишига имкон яратади.

Маълумотга аввалдан идентификациядан ўтиш орқали рухсатга эга бўлган шахс маълумотга бўлган рухсатномасини, шахс ҳақидаги маълумотларини, олган маълумотларини, олинган маълумот таркиби ва маълумот тақдим этилган вақт ҳақидаги маълумотларни сақлаши талаб этилади.

Маълумотга рухсат берилишнинг иккинчи кўриниши рухсатга эга бўлган шахсдан идентификациялаш талаб этилмаган ҳол. Бу турдаги маълумотларга рухсат берилиши, ҳар қандай шахснинг идентификациясиз маълумот олиш ҳукуқига эга бўлиши билан ҳарактерланади. Бундай ҳолларда давлат ахборотларини тақдим этиш давлат мажбурияти ҳисобланади.

Электрон ҳукумат интерактив хизматидан фойдаланишни ҳукукий тартиблашнинг ташкилий чора тадбирлар таркибига қуидагиларни киритиш мумкин:

- интерактив хизмат электрон хужжат маълумотларини муҳофаза қилишни таъминлашни тартибга солувчи меъёрий-хукуқий хужжатлар талабларининг бажарилишини назорат қилиш;
- электрон хужжат маълумотлари хавфсизлигини таъминлаш учун жавобгар бўлган, объектлараро электрон хужжат айланиши фойдаланувчилари ва администраторининг мансабдор шахсларини белгилаш;
- электрон хукумат интерактив хизматларида объектлараро хужжат айланиши бош администратори серверидаги маълумотлар базасининг резерв нусхасини қўчириш, тиклаш ва архивга киритиш тартибини, шунингдек вирусга қарши базаларни янгилаш тартибини белгилаш;
- электрон хукумат интерактив хизматларида электрон хужжат айланиш тизимининг дастурий-техник воситаларини таъмирлаш-тиклаш ишларини ўтказиш учун кириш тартибини белгилаш ва бошқалар.

Электрон хукуматда ахборот айланишининг кенг тарқалган уч модели мавжуд.

Хукумат – фуқаролар (government – citizen, G2C). Асосий мақсад – фуқароларга давлат тузилмалари хизматлари ва ахборот ресурсларига тез, осон ва қулай рухсат берилишини таъминлаш. Web – порталлар асосий коммуникация воситалари ҳисобланади.

Хукумат – тижорат (government – business, G2B). Асосий вазифа – ахборот ресурсларига ташкилотларнинг тез, қулай мурожаатларини тақдим этиш, давлат ташкилотлари ва корхоналар ўртасидаги ишончли ахборот коммуникация механизмини таъминлашдан иборат. Асосий коммуникация воситаси сифатида Web – сервисдан фойдаланиш тавсия этилади. G2B моделининг асосий хусусияти маълумотлар оқимини икки томонлама ҳаракатга эгалиги.

Хукумат – ҳукумат (government – government, G2G). Бу модел юқоридаги икки моделларнинг самарали ечимини таъминлаш мақсадида маҳаллий ва ҳудудий давлат идоралари ўртасидаги ўзаро муносабатларни соддалаштиришдан иборат. Натижада маъмурий сарф харажатлар қисқариб, қарорлар қабул қилиниши тезлашади.

Интерактив хизмат тизимини жорий этиш жараёнида ҳукумат тузилмасининг ахборот марказига ягона ойна орқали киришнинг соддалашган интерфейси, электрон рақамли имзо ёрдамида умумий авторлаштириш тизими, алоҳида ташкилотнинг интеграллашган ахборот тизими яратилган.

Узатилаётган маълумотларнинг тўлиқлиги ва конфиденциалигини таъминлаш мақсадида 128 –разрядли маълумотларни шифрлар тизими жорий этилган; Электрон хужжатларни ҳукуқий кучга эгалигини тасдиқловчи

электрон рақамли имзо тизими қўлланилган; электрон сертификациялаш тизими киритилган.

Фуқороларни авторлаштириш ва хужжатларни аутентиклигини назорат қилиш Net ва Microsoft SQL Server технологиясига асосланади. Одатда электрон ҳукумат интерактив хизматлари портали .Net Framework, ASP.NET ва Visual C# технологиясини қўллайди.

Фойдаланувчилар талабларига қўра тизим қўйидаги мезонларга жавоб бериши лозим /2/: фойдаланувчи билан юқори даражада дўстона муносабатда бўлиши, очиқ архитектурага эга бўлиши, асосийси электрон хавфсизлик таъминоти соҳасида энг янги ютуқларга таяниши. Электрон ҳукумат тизимини жорий этишда турли тармоқли инфратузилмани интеграциялаш, турли ташкилотлар томонидан яратилган сайтлар ва ахборот тизимлари қаби муаммоларга дуч келинади.

Электрон ҳукумат интерактив хизматларининг асосий тамоиллари қўйидагилардан иборат:

а) электрон ҳукумат интерактив хизматидан фойдаланишнинг технологик имкониятини тизим фойдаланувчиларининг динамик ўзгарувчан сони билан таъминлаш;

б) электрон ҳукумат интерактив хизмат тизими фойдаланувчилари томонидан ахборотга оид ўзаро ҳамкорликнинг мослашувчи технологиялари, форматлари, протоколларини ягона бир хил имкониятли дастурӣ-техник воситалардан фойдаланишга мослаш;

с) электрон ҳукумат интерактив хизматлари тизими фойдаланувчилари томонидан дастурӣ таъминот ва сертификатланган дастурӣ-техник воситалардан меъёрий-ҳукуқий қоидаларга риоя этиш;

д) электрон ҳукумат интерактив хизматларида узатилаётган, қабул қилинган ва қайта ишланган электрон хужжат маълумотларининг тўлиқлиги ва яхлитлигини таъминлаш;

е) электрон ҳукумат интерактив хизматларида электрон хужжат айланиши тизимида моддий-молиявий ва вақт харажатларини камайтириш;

ф) электрон ҳукумат интрактив хизматлари электрон хужжат айланишида маълумотлар хавфсизлигини ва конфиденциаллигини таъминлаш.

Электрон ҳукумат интерактив хизматларида электрон хужжат айланиши тизимининг техник-технологик инфратузилмаси қўйидагилардан иборат: электрон ҳукумат интерактив хизматларида электрон хужжат айланиши бош сервери, унинг администратори бўлиб, обьектлараро электрон хужжат айланиши тизими мененжери ҳисобланади; обьектлараро электрон хужжат айланиши тизими фойдаланувчиларининг бошқарув серверлари; ҳимояланган алоқа каналлари.

Ўз навбатида, бош сервернинг техник воситалари ўз ичига электрон почта сервери, тасдиқловчи марказнинг дастурий-аппарат воситалари, ахборотни муҳофаза қилиш воситалари ва электрон ўзаро ишлаш дастурий-техник таъминотининг бошқа воситаларини олади. Бош администраторнинг асосий вазифалари қўйидагилар ҳисобланади: қайта ишланадиган, сақланадиган ва узатиладиган электрон хужжатни рухсатсиз фойдалана олишдан ва маълумот администратор серверида бўлганида ҳамда ҳимояланган алоқа каналлари бўйича обьектлараро электрон хужжат айланиши тизими фойдаланувчиларининг серверларигача узатишда ахборот хавфсизлигини таъминлаш; хужжат айланиши тизими фойдаланувчилари ўртасида электрон хабарлар алмашинуви.

### **FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR**

1. “Ta’lim to‘g‘risida”gi qonun // Xalq ta’limi. 1997. №5. S.4-16.
2. O‘zbekiston Respublikasining “Axborotlashtirish to‘g‘risida”gi qonuni. “Xalq so‘zi”. 11 fevral, 2004 y.
3. “Axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini yanada rivojlantirishga oid qo‘sishimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida” O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2005 yil 8 iyuldagи-117-son qarori.
4. «100 лет мот: Содействие сцциалной справедливости, продвижение достойного труда» XXXII международные Плехановские чтения Москва 2019 г. 1-2 февраль ст 106-108
5. “Интернаука” Научный журнал Часть 2. г Москва 2019 г ст 63-66
6. Colloquium-journal “Economics” Часть 6 Warshawa, Poland 2019 ст 6-8